

Насиба ҲОМИДОВА

# СЕН БАХТИЁР БЎЛГУНЧА

*Шеърлар*

«Akademnashr» nashriyoti

**MAJBURIY NUSXA**

Тошкент  
«Akademnashr»  
2012

УДК: 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)6 - 438. араб

Ў63

Ў63

Ҳомидова, Насиба.

Сен бахтиёр бўлгунча: шеърлар / Н.Ҳомидова;  
муҳаррир А.Шаропов. — Тошкент: Akademnashr, 2012.  
— 16 б.


ISBN 978-9943-389-22-9

УДК: 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)6

*Насиба Ҳомидова қаламига мансуб шеърлар самимий ва  
содда, кўнгилнинг нозик торларини чертадиган мисраларга  
бой. Китобни ўқиб ўзингиз бунга амин бўлишингиз мумкин.*

Ю 40756  
081



© Насиба Ҳомидова

«Сен бахтиёр бўлгунча».

© «Akademnashr» нашриёти, 2012 йил.

## АСРАГИН

Қалбимда йўқдир гўбор,  
Кўнглим сендан умидвор.  
Аллоҳ, ёлғиз ўтинчим,  
Сариштамни асрагин.

Бағри осмонлардан кенг,  
Меҳри дунёларга тенг,  
Усиз ҳеч кимдурман мен,  
Фариштамни асрагин.

Оғрисам чеккан фиғон,  
Балки жоним йўқ, у жон,  
Бахтимга бўлсин омон,  
Жон риштамни асрагин.

## ОРЗУЛАР

Дарахт бўлсам эди, ҳар баҳор  
Ҳаёт мени гулга беларди.  
Бошларимни силай деб еллар  
Мен томонга ҳар тонг еларди.

Ёмғир бўлиб қолсамми эди,  
Майсаларга ҳаёт берардим.  
Меҳр билан ташна тупроққа  
Нажот бўлиб ёғиб келардим.

Булбул бўлиб қолсам, чаманим,  
Эртаю кеч куйлардим мадҳинг.  
Ўзбекистон, азиз Ватаним,  
Худо мени сен-чун яратди.

## СОҒИНЧ

Соғинчга айланиб кетяпман,  
Кўнглимга меҳрибон соғиниб.  
Кўрмадим бир доғсиз юракни  
Ва бирор кўнглининг соғини.

Барг ёзиб-ёзишга улгурмай  
Умидим хазонга айланар.  
Вужудим — навниҳол, бошимда  
Жон бериб сайрайди майналар.

Насимлар кутай қай тарафдан,  
Бағрим хуш шамолни истайди.  
Ёмғирлар ёғса — жон озиғи,  
Қўлларим осмонга ўссайди.

## ДИЛ БЕРДИМ

Кўнглим уни кутса, билмаган,  
Андуҳ, озор ютса, билмаган.  
Кўзларимдан ўтса, билмаган  
Бевафога дуч келибман-да.

Ғариб жоним жабр остида,  
Телба руҳим сабр остида,  
Бир дардим юз таъбир остида,  
Бевафога дил берибман-да.

Пок меҳрининг зори ўзимман,  
У яшнайти, хори ўзимман,  
Ишқ тоза куй, тори ўзимман,  
Бевафога дил берибман-да.

## НАВРЎЗИ ОЛАМ

Бағрига тўлдириб гулларни,  
Қувончга тўлдириб дилларни,  
Бағир очдим ёзиб қўлларни,  
Хуш келибсан, Наврўзи олам!

Тупроқни ёради бойчечак,  
Ўзи кичкинаю бой чечак,  
Тонг сенга юз очган келинчак,  
Хуш келибсан, Наврўзи олам.

Йўлга кириб кетар жилғалар,  
Тилга кириб кетар жилғалар,  
Дилга кириб кетар жилғалар,  
Хуш келибсан, Наврўзи олам.

Яшил рангга кирмаган ер йўқ,  
Бунда жонга кирмаган ер йўқ.  
Келганингни билмаган ер йўқ,  
Хуш келибсан, Наврўзи олам.

## БУВИМГА

Меҳр оқар сўзидан,  
Дунё яшар кўзида,  
Меҳрибон йўқ ўзидан,  
Меҳрибоним бувим бор.

Қалби гулдай нафисим,  
Келгандай жаннат иси,  
Уйимиз фариштаси,  
Жонажоним бувим бор.

Дуолари паноҳим,  
Ҳолимиздан огоҳим,  
Юзга кирсин, илоҳим,  
Меҳрибоним, бувим бор.

## СЕН БАХТИЁР БЎЛГУНЧА

Қалб эшигинг қоқаман,  
Ишқ оловин ёқаман,  
Юлдуз бўлиб боқаман  
Сен бахтиёр бўлгунча.

Тунларимда бедорман,  
Кўнглинг олгувчи торман,  
Асрагувчи туморман  
Танда дардинг қолгунча.

Тунлар киргум тушингга,  
Қанотман бахт қушингга,  
Энг керакли кишингдай  
Юрай сен бахт кўргунча.

## БАҲОР КЕЛДИ

Учириб қалдирғочин,  
Толлари ёйиб сочин,  
Гуллар ёзар қулочин,  
Юртимга баҳор келди!

Дехқон шошар далага,  
Боқмай ёмғир, жалага,  
Кўнглим тошмасин нега?!  
Юртимга баҳор келди!

Бошланади байрамлар,  
Чекинар дарду ғамлар,  
Одамлар-у, одамлар,  
Юртимга баҳор келди!

\* \* \*

Қўлларимда бир ҳовуч тупроқ,  
Кўзларимга қилай тўтиё.  
Кўзларимда ёшлар шашқатор,  
Дилимдаги соғинчмикан ё?

Ташқарига боқаман маҳзун,  
Ё ойна, ё кўзим намланган.  
Бир асрга татиди бир кун,  
Кўзларимдан ўтар Наманган.

## МИННАТДОРМАН ЁМҒИРДАН

Солди ҳаво қовоғин,  
Наҳот йиғлайди осмон.  
Булут тўлди самога,  
Тўйга тўлгандай меҳмон.

Ана, тушди юзимга  
Фалакнинг томчи ёши.  
Мунча тез бўлдинг гойиб,  
Менинг Бобоқуёшим?!

Кимдир қочар ёмғирдан,  
Кимлар баҳра олишди.  
Қушлар ҳам кўп вақт ўтмай  
Уй қидириб қолишди.

Ростин айтсам, бу ёмғир  
Ғамни аритди дилдан.  
Кўнглим илҳомга тўлди,  
Миннатдорман ёмғирдан.

## БАХТИНГИЗНИ СЎРАДИМ

Тунда кўлааримни тикиб юлдузга,  
Чексиз қувончимни кўчириб кўзга,  
Қалбимда ниятлар айланиб сўзга  
Самолардан бахтингизни сўрадим.

Кундузимни ўрайди сахий қуёш,  
Юзингизни қуёшга қилдим қиёс,  
Дуо қилсам, кўзларимга келар ёш,  
Садолардан бахтингизни сўрадим.

О, нақадар гўзал она табиат,  
Орзуларга бошлар яна табиат,  
Дедим: «Ҳиммат кўрсат қани, табиат!»  
Саболардан бахтингизни сўрадим.

Ой тунлари сувда аксин топади,  
Кўнглим кўнглингиздан таскин топади,  
Сўрасам, у мени кун-тун топади,  
Яратгандан бахтингизни сўрадим.

## КУМУШ ҚИШ

Дов-дарахтлар кўз юмиб  
Кетди ширин уйқуга.  
Қалблар тўлди қувонч-у,  
Қордек оппоқ туйғуга.

Тўрт тарафни момик қор  
Пар тўшакка тўлдирди.  
Бир юмалаб олгандим,  
Ғамларимни ўлдирди.

Оппоқ-оппоқ йўл тўшаб  
Юртга келди кумуш қиш.  
Деҳқонбобо, сиз ҳам бир  
Дам оловлинг беташвиш.

\* \* \*

Булутларга бердим ёшимни,  
Юрак ғамдан ситилиб кетди.  
Тўрт тарафга сочиб ёшимни,  
Булут бағри титилиб кетди.

Армонларга кулиб бирма-бир,  
Эшигимни ёпа бошладим.  
Мен бахтимни ёруғ орзулар,  
Умидлардан топа бошладим.

\* \* \*

Узилган, эзилган хазонлар —  
Армонларнинг ташриф қоғози.  
Дард томонга оғар мезонлар,  
Мезонни унутар тарози.

Ҳаёт шундай ношуд энага,  
Тинмай айтаверади чўпчак.  
Дунё, етган еринг шу бўлди,  
Икки томонимда бўш чўнтак.

## ОТАМГА

Қўллари қадоқдан қотган отамни,  
«Болам» деб тонглари отган отамни,  
Дилида яхшилиқ ётган отамни  
Авлиёлар руҳи қўлласин.

Ҳолимдан огоҳим, сертагимдир у,  
Ҳар ишда йўлбошим, тиртагимдир у,  
Аллоҳдан энг улуғ тилагимдир бу:  
Ярлақаб, мурувват йўлласин.

## МУНДАРИЖА

|                                        |    |
|----------------------------------------|----|
| Асрагин .....                          | 3  |
| Орзулар .....                          | 4  |
| Соғинч .....                           | 5  |
| Дил бердим .....                       | 6  |
| Наврўзи олам .....                     | 7  |
| Бувимга .....                          | 8  |
| Сен бахтиёр бўлгунча .....             | 9  |
| Баҳор келди .....                      | 10 |
| «Қўлларимда бир ҳовуч тупроқ...» ..... | 10 |
| Миннатдорман ёмғирдан .....            | 11 |
| Бахтингизни сўрадим .....              | 12 |
| Кумуш қиш .....                        | 13 |
| «Бўлутларга бердим ёшимни...» .....    | 13 |
| «Узилган, эзилган хазонлар...» .....   | 14 |
| Отамга .....                           | 14 |

*Адабий-бадний нашр*

Насиба ҲОМИДОВА

## СЕН БАХТИЁР БЎЛГУНЧА

**Муҳаррир:** Абдулла ШАРОПОВ

**Мусахҳиҳ:** Марҳабо ЖЎРАЕВА

**Бадий муҳаррир:** Феруза НАЗАРОВА

**Техник муҳаррир:** Хуршид ИБРОҲИМОВ

Нашриёт лицензияси: АИ №134, 27.04.2009

Теришга берилди: 02.02.2012 й.

Босишга рухсат этилди: 09.04.2012 й. Газета қоғози.

Қоғоз бичими: 84x108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Lazursky гарнитураси.

Офсет босма. Ҳисоб-нашриёт т.: 0,28.

Шартли б.т.: 0,84. Адади: 1000 нусха.

Буюртма № 16

«АКАДЕМНАШР» нашриётида нашрга тайёрланди.  
100156, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20<sup>А</sup>-мавзе, 42-уй.

**Тел.:** (+998 71) 217-16-77

**e-mail:** akademnashr@mail.ru

«START-TRACK PRINT» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Миробод тумани, 8-март кўчаси, 57-уй.